

Бош Қомусимизда ёшлар ҳуқуқи

ёхуд Конституцияда ёшлар ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатлари асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил


Республикаимизда ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилган ва у амалга оширилиб келинмоқда.

Конституцияимизнинг бирор-бир моддаси йўқки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлмаса. Конституцияимизнинг муқаддима қисмида унга алоҳида урғу берилган, яъни "ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда" деган иборанинг келтирилиши конституция нафақат бугунги кун нуктаи назаридан, балки келажак авлод, яъни ёшлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда қабул қилинганлигини билдиради.

Конституцияимизнинг асосий принципларга бағишланган биринчи бўлимида ҳам вояга етмаганлар ҳуқуқ-манфаатларига хизмат қилувчи

нормалар ўз ифодасини топади. Конституцияимизнинг иккинчи моддасида мустақкамлаб қўйилганидек, "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар". Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонда вояга етмаганларга бевосита тааллуқли эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Давоми 5-бетда ➤



Муҳаммад ҚОДИРОВ (84) олган сурат.

Она ва бола саломатлиги муҳофазада

Тиббиёт

Фарғона вилояти перинатал маркази ҳар томонлама соғлом авлод туғилиши ва вояга етишига салмоқли ҳисса қўшаётган тиббиёт муассасаларидан биридир.

Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган 215 ўринли марказда туғруқ, гинекологик тахис, аҳолига тезкор ёрдам кўрсатиш ишлари самарали йўлга қўйилган. Марказнинг тахрибали шифокорлари шаҳар ва туманлардаги аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда оналар ва бола-

лар соғлигини оширишда амалий ва методик ёрдам кўрсатиш тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Суратда: Фарғона вилояти перинатал марказининг чақалоқлар реанимацияси бўлими неонатологи Малика Ваҳобова.

Давоми 3-бетда ➤

2012 йил — Мустақкам оила йили

Суғурта хизматлари ҳажми ошмоқда

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан "Мустақкам оила йили" Давлат дастури ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари ҳамда етакчи тиббиёт муассасалари вакиллари қатнашди.

Кўп тармоқли, ижтимоий йўналтирилган "Ўзбекинвест" компанияси мамлакатимиз суғурта компаниялари рейтингига етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Компания бош директори Ф.Саидхмедовнинг айтишича, 2012 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича компания ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришган. Ўтган вақт мобайнида суғурта мукофотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,4 баробарга кўпайган ва қабул қилинган суғурта мажбуриятлари 1,7 баробардан ошган. Бунда қабул қилинган мажбуриятлар умумий ҳажмида миллий экспортчилар ва инвесторларни суғурта қилиш 166,3 фоиз, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурта қилиш 155 фоизни ташкил этган.

Давоми 3-бетда ➤

Микрокредит ташкилотлари фаолияти шаффофлиги оширилмоқда

бу эса Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий вазифаларига тўла мос келади

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция раҳбари Собир Турсунов бошқарган мажлисда Қонунчилик палатаси ялпи йиғилиши муҳокамасига киритилиши назарда тутилаётган қатор қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi «Микро-молиялаш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида тузилган тахрири билан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А.Юсупов таништирди.

Маърузачи мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мам-

лакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши талаблари асосида ишлаб чиқилган, қонун лойиҳасининг асосий мақсади микромолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва микрокредит ташкилотлари тизимини ривожлантиришни таъминлашдан иборатлигига эътибор қаратди ҳамда уни ик-



кинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоларининг иштирокига баҳо берди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилиш мобайнида фракция аъзолари унинг мазмун-моҳияти юза-

сидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Давоми 2-бетда ➤

Пухта ўйланган тараққиёт йўли

мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантирмоқда

Депутат минбари

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган глобал инқироз 2008 йилда бошланиб, ҳали-ҳануз ўзининг салбий таъсирини ўтказаётир. Ушбу молиявий бўҳрон минг-минглаб одамларнинг ишсиз қолишига, ижтимоий аҳволи ёмонлашишига сабаб бўлди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида вазиятни ўнгаш мақсадида кўрилатган чора-тадбирлар эса ҳозирча қутилган натижа-ни бергани йўқ. Аксинча, ўсиш суръатлари, ишлаб чиқариш ҳажми ҳамон пасайишда давом этмоқда. Давлат қарзлари ҳамда бюджет тақчиллиги тобора ортиб борапти.

Ўзбекистон шундай мураккаб шароитдан нафақат беталфот чиқишга, балки барқарор суръатларда ривожланишга эришаётгани эътиборга моликдир.

Бугун дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари, йирик молиявий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли иқтисодчи ҳамда

экспертлар жаҳонда мураккаб шароит сақланиб турганига қарама-қарши, мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ижобий натижаларга эришилаётганини алоҳида эътироф этишмоқда.

Давоми 4-бетда ➤


«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун обуна бошланди!

Вақтида обуна бўлишни унутманг, ана шунда газетани излаб овора бўлиб юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга ёки уйингизга кириб келади!

«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!

Нашр кўрсаткичи 100.



Инновацион иқтисодиёт "локомотив"и

Ривожланаётган давлатларда дастлабки ЭИЗлар 1960 йиллардан пайдо бўлди. Дастлаб улар сони бармоқ билан санарли эди. Аммо бу тадбирнинг улкан фойдасини кўрган ҳукуматлар махсус зоналарга эътиборни кучайтирди. Натижада 1990 йиллар охирига келиб ЭИЗ сони бўйича улар ривожланган давлатларга тенглашиб олишди.



7 ➤

Партия ҳаёти

Микрокредит ташкилотлари фаолияти шаффофлиги оширилмоқда

бу эса Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий вазифаларига тўла мос келади

Давом. Боши 1-бетда

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
фракция аъзоси:



— Мазкур қонун лойиҳасининг 4-моддасида тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаларидан бири сифатида инсон ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳамда мулкни ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг жинсий таъминлаш белгиланмоқда. Ушбу нормада Конституция-мизнинг асосий тамойилларидан келиб чиқиб, инсон шайни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини ҳам акс эттириш лозим.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда қонунлар мукамаллиги ва барқарорлигига эришиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни тартибга солуви қонунчиликни янада такомиллаштириш партиямиз дастурий вазифаларидан эътибор белгиланганлигини инобатга олиб, мазкур қонун лойиҳасини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

«Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси М.Усмоновнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадига ишлаб чиқилган.

Шу муносабат билан «Масъулият чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида»-

ги, Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал Кодексининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига устав фондида давлат улуши бўлмаган корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўзлаштириш, растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш мазкур корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансбдор шахси, мулкдори ёки ваколатли бошқарув органи берган шикоят аризаси асосидагина жавобгарликка сабаб бўлишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилиши тақлиф қилинмоқда.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳам Президентимизнинг юқоридаги Фармонида мувофиқ қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ва Жиноят кодекси доирасида иқтисодий зарар ва миқдори даражасини ошириш каби квалификация белгиларини либераллаштириш йўли билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш мақсадига ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан фикр билдирар экан, фракция аъзоси Ф.Омонова бугунги кунда айрим тадбиркорлик субъектларининг солиқ бўйича қарадорликларини ундиришда қўллаб-қувватлаган жавобгарлик чоралари юзасидан савол билан муносабат қилди.

Фракция аъзолари кун тартибидан ўрин олган «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишда тақлиф этилаётган таҳрири билан ҳам танишдилар.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг иқтисодиётни эркинлаштириш ва демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2011 йил 14 январда-

ги Фармойишига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, хусусий банклар ва молия институтларига тенг имконият яратишга ва улар фаолиятининг давлат кафолатлари тизимини кучайтиришга қаратилган.

Умид ЖУМАНИЕЗОВ,
фракция аъзоси:



— Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, шунингдек, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўз кучини йўқотган деб топилмоқда.

Микромолиявий хизматлардан фойдаланувчи қарз олувчилар — истеъмолчиларнинг ҳимоя қилиш мақсадида «Микромолиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига аниқлаштирувчи норма киритилмоқда. Унга қўра, буюртма берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида мазкур ташкилотлар буюртма берувчи ашончи ҳамда тўлиқ аҳборотни ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Қонун лойиҳаси орқали киритилаётган асосий қўшимчалардан яна бири микрокредит ташкилотлари мижозлари ва кредиторларнинг ҳисоб-варақалари ҳамда операциялари ҳамда нисбатан банк сири нормаларини татбиқ этишдан иборат.

Шунингдек, ички назорат тизимининг лозим даражада фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида ички аудит хизмати ташкил этилиши микрокредит ташкилотларининг барча бўғинидаги бошқарув органларининг масъулиятини кучайтириш, шу билан бирга, микрокредит бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Шу билан бирга, микромо-

лиявий хизматлар кўрсатиш бўйича тегишли шартнома тузилганидан кейин қарз олувчи томонидан пул маблағлари олингунча ёки микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан микролизинг объекти учун тўлов амалга оширилгунча қарз олувчи микрокредит, микролизинг олишдан воз кечган тақдирда, шунингдек, қарз олувчи томонидан микромолиявий хизматлар бўйича, шу жумладан, микролизинг бўйича мажбуриятлар муддатидан аввал сўндирилган ҳолларда қарз олувчидан жарималар (пеня) ва бошқа қўшимча тўловлар ундирилишига йўл қўйилмаслиги бўйича қўшимча талабларнинг киритилиши микромолиявий хизматлардан фойдаланувчи қарз олувчилар — истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир муҳим жиҳатидир.

Фракция раҳбари Собир Турсунов мазкур қонун лойиҳаси молия муассасалари фаолиятининг шаффофлигини ошириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан партиямиз дастурий ғояларига тўла ҳамоҳанглигини таъкидлади.

Иккинчи ўқишда ҳавола этилаётган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраев маъруза қилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши тезкор-қидирув фаолияти принциплари ва шакллари ҳамда уни амалга оширишда қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашни, ушбу фаолиятнинг турли йўналишларини тартибга солуви бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган нормаларни тизимлаштириш имконини яратди. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга ёрдам беради.

Маърузачи қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳамда сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаркат депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан бир қатор тақлифлар берилганлигини, хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси томонидан қонун лойиҳасининг 13 та моддаси юзасидан 30 дан ортқ амалий тақлифлар берилганлиги, уларнинг бир қанчаси инobat-га олинганлигини қайд этди.

Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,
фракция аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий мулкка асосланган хусусий банклар ва молия институтларини ташкил этишнинг қонуний асосларини яратишга, банк ва бошқа молиявий бозорларда мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга, шунингдек, замонавий бозор инфратузилмасини ривожланишига шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасидаги ушбу нормалар Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастуридаги партия иқтисодий соҳадаги фаолиятини иқтисодий ўсиш натижаларини аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга адолатли йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини чуқурлаштиришга қаратиш билан боғлиқ дастурий вазифаларга ҳамоҳангдир.



«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2011 йил 30 декабрдаги қарорига асосан тайёрланган.

Ушбу қарорда 2012 йилнинг 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашда ягона тариф сеткасининг нолинчи разрядини бекор қилиш ва бошлангич разряд этиб биринчи разряд ўрнатилиши назарда тутилган.

Мавлуда НИШОНОВА,
фракция аъзоси:

— Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридagi нормаларни амалга оширишда зарур ҳуқуқий шароитлар яратди ҳамда юзага келган қарама-

Фракция йиғилиши



Мунозаралар жараёнида депутатлар фракция фаолиятини, жумладан, унинг қонунчилик ташаббусини янада кучайтириш, қабул қилинаётган қонунларнинг мукамаллиги-

га эришиш, электорат манфаатларини эътиборга олган ҳолда қонунларимизда белгиланган ҳуқуқлардан, хусусан, парламент назорати ва эшитувдан кенг фойдаланишини таъминлаш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Ушбу вазифага қўйи палатанинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Собир Турдиевич Турсунов номзоди тавсия этилди ва тасдиқланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 1 ноябрь кунги бўлиб ўтган ялпи мажлисида «Адолат» СДП фракциясининг раҳбари Собир Турдиевич Турсунов қўйи палата спикерининг ўринбосари этиб сайланди.

қаршилиқни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси қонунлари нормаларини қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини таъминлайди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилмайди ҳамда у партиямизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги дастурий ғояларига тўла мос келади.



Шунингдек, йиғилишда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг таҳрири ҳам депутатларнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди.

Таъкидланганидек, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаракат

хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашнинг зарурий ва мақсадли йўналишларини белгилашга қаратилган.

Фракция аъзолари А.Аҳадов ва О.Ахунвалар мазкур қонун лойиҳасида йўл ҳаракати хавфсизлиги учун масъул органлар ваколатлари ифода этилганлиги, аммо йўл ҳаракати иштирокчиларининг мажбуриятлари белгиланган ҳолда ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи масъул органлар мажбуриятлари ифода этилмаганлигини таъкидлашди. Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш инсон ҳаёти ва соғлигини тақозо қилар экан, бунда масъул ташкилотлар зиммасига ҳам маълум мажбуриятлари юклар лозимлиги юзасидан ўз тақлифларини билдиришди.

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди.

Йиғилишда кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясидан келиб чиққан ҳолда ўз тақлиф ва тавсияларини билдиришди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи-назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илёс САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Олдимизда турган вазифалар

ҳар бир партия фаолидан янада масъулият билан ишлашни талаб этади

Сиёсий ўқув

Ўз дастурий ғояларини тарғиб қилиш орқали ижтимоий ҳаётга чуқурроқ кириб бориш, ислохотлар жараёнида аҳоли барча қатламлари иштирокига эришиш, уларни мамлакатнинг демократлаштириш ва модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги фаоллигини ошириш мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шак-шубҳасиз. Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДП жойлардаги қўйи партия ташкилотлари фаоллари ва маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари аъзоларининг сиёсий саводхонлигини тизимли равишда ва мунтазам ошириб боришга алоҳида аҳамият бермоқда.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси фаолларимиз ва партия аъзоларимизда катта қизиқиш уйғотиб, келгусидаги ишлар самарадорлигини оширишга ундамоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси Нурмат Эшметов. — Бунинг биргина ҳудудий кенгашларимиз

томонидан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказилган ўқув-семинарлари мисолида ҳам қўйиш мумкин. Уларда билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилаётган тақлифлар келгусида ўзининг ижобий самарасини берапти. Масалан, Гурлан тумани партия фаоллари учун «Демократик ривожланишнинг янги босқичида Ўзбекистон



«Адолат» СДПни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш» мавзусида ўтказилган ўқув-семинар ана шундай амалиёт, фикр-мулоҳазалар билан тадбир иштирокчилари эътиборини тортиди. Унда сиёсатчи олимлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари қатнашиб, истисно йилларида қўлга киритилган ютуқлар, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли нечоғли тўғри танланганини аниқ мисоллар билан асослаб бердилар. Шу билан бирга, барча сиёсий институтлар олдида қўйлаётган янги вазифаларни ҳис этишдаги бирламчи масалалар нима-

лардан иборат эканлиги, ҳудудий партия ташкилотлари ишини жонлантиришда фойдаланилмаётган омиллар, кучли ва айна пайтда заиф нукталарни аниқлаш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлиги каби масалалар атрофда муҳокама қилинди.

— Концепция барча соҳаларимизнинг янада юксалишида муҳим дастуруламал бўлмоқда, — деди халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати Бахтиёр Худойбергенов. — Шу ўриндан айтиш кераки, мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти давлат

моҳияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг рол ва масъулиятининг ошиши, партия маъкази ва қўйи органларининг иш самарадорлигини кучайтириш механизмларини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишимизни талаб этмоқда. Шу боис ушбу дастуруламал ҳужжат тарғиботини тўхтатмаслигимиз ва унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик онгига янада чуқур синдириш учун бор имкониятларимизни ишга солишимиз лозим.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари ислохотларнинг навбатдаги тараққиёт босқичидаги сиёсий жараёнларда, партиялар ўртасидаги сиёсий курашда ўзимизнинг муносиб ўрнимизни сақлаб қолишимиз лозимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Зеро, олдимизда турган вазифалар ҳар бир партия фаолидан янада масъулият билан ишлашни талаб этмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати



Самарқанд шаҳрини қайта қуриш ва реконструкциялаш билан боғлиқ бунёдкорлик ишлари бугун ҳам ғайрат-шижоат билан давом эттирилмоқда. Вилоятда ўнлаб қурилиш-лойиҳа ташкилотлари бу муҳим вазифани бекаму кўст амалга оширишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

«Меёр-қурилишасфальт» масъулияти чекланган жамият йўлсозларининг шаҳарни обodonлаштириш, йўлларни ривожлантиришдаги иштироки, айниқса, эътиборга лойиқдир. Жамоа қадимий Даҳбед қўчасининг бир ярим километрик қисmini белгиланган муддатларда қайта қуриб кенгайтиришга муваффақ бўлди. Жамоат транспорти учун

максус жиҳозланган бекатлар, рамакли светофорлар ва бошқа зарур инфратузилмалар билан таъминланган мазкур йўлда эндиликда барча автотранспорт воситаларининг хавфсиз қатновини амалга ошириш имконияти яратилди.

Зохир ТўРАҚУЛОВ

Сайловчилар манфаатлари депутатлар эътиборида

Маҳаллий кенгашларда

Бугун мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотлар сиёсий партиялар зиммасига аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш ҳамда ўз дастурий гоёларидан келиб чиқиб, электорат хоҳиш-истакларини рўйбга чиқариш каби қатор долзарб вазифаларни юклатмоқда. Ушбу масъулиятли вазифалар ижроси эса, бевосита ҳудудий партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ташаббускорлиги ва фаоллигига ҳам боғлиқдир.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашида Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатлар сони бошқа сиёсий партияларга нисбатан камлигига қарама-дан партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида кучли депутатлик корпуси шакллантирилгани тўғрисида «Давлат бошқаруви» янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунда мустахкамланган ваколат ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмоқда. Буни жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Адолат»чи депутатлар иштирокида 200 дан зиёд сайловчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар, йиғилиш ва оммавий тадбирлар ўтказилганида ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан, сайловчилар би-

лан бўлган учрашувлар давомида депутатларга турли мавзуларда келиб тушган жами 42 та мурожаатга депутатлик сўровлари юборилди. Ҳозирги кунгача тегишли ҳокимият идоралари ёрдамида уларнинг 31 таси ижобий ҳал қилинди.

Хусусан, Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи қабулхонасига биргина Чирокчи туманидаги 45-сайлов округи аҳолисида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 10 та мурожаат келиб тушган. Улардан 4 таси юзасидан тегишли идораларга депутатлик сўрови йўлланди ва Қўқдала қишлоқ фуқаролар йиғинидан туман марказига микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилди, коммуникация хизматлари учун алоқа линиялари тортилди. Шунингдек, 3 нафар тадбиркорнинг фаолиятини кенгайтириш ва янги маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари



очиш учун ер ажратиш масаласи ижобий ҳал этилди. Бошқа мурожаатларга ҳам жамоатчилик ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда ечим топишга эришилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг шу даврига қадар Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари кун тартибига «Вилоятдаги мавжуд бозорлар фаолияти ҳақида»ги ва «Чирокчи туманида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилган ишлар ҳақида»ги масалалар муҳокама учун киритилди.

Таъкидлаш лозимки, шаҳар, туман Кенгашларига сайланган депутатларимиз ҳам партия дастурида белгиланган вазифаларни ҳал қилишда, ҳудудларнинг ижтимоий-иқти-

содий ривожланишнинг таъминлашда кенг қамровли ишларни амалга оширишда, 2012 йилнинг ўтган даврида Муборак, Чирокчи, Шахрисабз ва Китоб туманларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан «Аҳолининг электр энергияси, газ, ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳоли тўғрисида», «Тумандаги мактабларнинг жорий ва капитал таъмирлаш, янги мактаблар қуришни тезлаштириш ҳақида», «Соғлиқни сақлаш муассасаларида аҳоли соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатларнинг олдини олиш бўйича қилинган ишлари тўғрисида»ги ҳамда «Туман маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг фуқаролар ўртасида тинчлик-тотувликни, осойишталикни таъминлаш борасидаги фаолиятлари ҳақида»ги масалалар Халқ депутатлари туман Кенгашлари сессиялари кун тартибига киритилди.

Ўрни келганда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури юзасидан партияимизнинг халқ депутатлари туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилган иш-

ларни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Хусусан, янги иш жойлари яратиш борасида Муборак, Шахрисабз, Ғузор, Деҳқонобод туманлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан самарали ишлар олиб борилиб, 500 нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланди.

Бироқ бу билан ушбу йўналишда имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмайди, дейиш фикридан йироқман. Депутатларимиз партия сайловолди дастуридаги вазифаларни ҳал этишда депутатлик сўровларидан имконият даражасида фойдаланилмоқда. Сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари, муаммо кизиқишларини доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига етказиш, улар манфаатларини тегишли даражада ҳимоя қилишда изчиллик этишмаяпти. Айрим депутатларимизнинг ўз ҳудудий кенгашлари билан узвий алоқада эмаслиги ҳам баъзи муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Бу каби муаммоларни бартараф этишга қаратилган сиёсий ўқувлар тизимли равишда ташкил этилиб, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз фаолиятини янада жонлантириш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш ва тажрибаларини ошириш борасида амалий чоралар кўрилмоқда.

Абдуқаҳҳор АҲМЕДОВ, Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси

Суғурта хизматлари ҳажми ошмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳудудлар, жумладан, қишлоқ жойларда суғурта хизматларидан фойдаланишни таъминлаш учун компания томонидан олти янги суғурта бўлими ташкил қилинди, вилоятларда суғурта агентлари сони икки бараварга кўпайтирилди. Бугунги кунда «Ўзбекинвест» 14 ҳудудий филиал, 90 суғурта бўлими ва 950 нафардан ортиқ суғурта агентларига эга.

Компания «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида амалга ошириш доирасида ишлаб чиққан тадбирлар режасига мувофиқ аҳоли учун қўлай нархларда «Менинг ўйим», «Менинг оилам», «Менинг автомобилим», «Менинг соғлигим» ва «Менинг бизнесим» каби янги суғурта маҳсулотлари жорий этилмоқда. Улар «Ўзбекинвест» томонидан ташкил этилган Суғурта маркази ва ҳудудий филиаллар орқали сотилмоқда.

«Ўзбекинвест» ҳузуридаги Суғурта маркази директори Ш.Аминжонов «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида тузилма томонидан эришилган ютуқлар ҳақида гапирди. Хусусан, аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оилавий бизнес субъектлари учун қўлай нархларда янги суғурта маҳсулотлари тақлиф этилмоқда. Бугун аҳолига янги суғурта маҳсулотлари бўйича кўрсатилган суғурта хизматлари ҳажми 2,7 миллиард сўмни ташкил этади.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

М.МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири

Эртага пойтахтимизда «Японияда таълим — 2012» кўргазмаси очилади. Кунчиқар мамлакатда йўлга қўйилган таълим тизими, фаолият олиб бораётган етакчи таълим муассасалари, шунингдек, хорижий талабалар учун ажрати-лаётган турли стипендия ҳамда грант дастурлари билан таништириш кўргазманинг асосий мақсадидир.

Японияда таълим

Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағиш-лаб ўтказилаётган мазкур кўргазмада Япониянинг 9 та олий ўқув юртлири: Япония Халқаро университети, Кейо университети, Киою университети, Мие университети, Нагоя университети, Осиё Тинч океани университети, Ричумейкан, Тохоку университети, Цукуба университети ҳамда Васэда университетлари иштирок этади. Шунингдек, мазкур университетлар билан бир қаторда мамлакатнинг 6 та олий ўқув юртлирида ўқишга кириш ва тахсил олиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилади.

Кўргазма дастурида Япониянинг етакчи университетлари томонидан алоҳида тақдимотлар ўтказилиб, у ерда тадбир иштирокчилари ўзлари тахсил олишни истagan университетлари ҳақида саволларига жавоб ҳамда фойдали маслаҳатлар олишлари мумкин.

Талаба бўлиш истагидидаги ёшлар Японияда яшаш ва ўқиш, шунингдек, таълим тизими, стипендия ва грантларни қўлга киритиш тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

"Ангрен" МИЗ

лойиҳаларни амалга оширишни бошлади

Тошкент вилоятидаги «Ангрен» махсус индустриал зонаси (МИЗ) ҳудудда умумий қиймати 185,8 миллион долларлик саккизта лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланди. Лойиҳалар озиқ-овқат саноати, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш, металлургия ва электр техникаси соҳаларида амалга оширилмоқда. Қиймати 108,5 млн. долларлик янги шакар заводи лойиҳаси қурилиши энг йirik лойиҳа ҳисобланади.

Қуввати суткасига минг тонна шакарни ташкил этувчи янги завод қурилишини «Ангрен шакар» МЧЖ ХК амалга оширяпти. Синганурнинг Welton International Enterprises Pte. Ltd. ва Kito Investment Pte. Ltd. компаниялари ҳамда Австриянинг SEID Handelsgesellschaft m.b.H компанияси унинг акциядорлари ҳисобланади. Лойиҳани амалга ошириш 2014 йил охирига мўлжалланган.

2013 йил охиригача «Ангрен» махсус индустриал зонасида Uz-Prista Recycling МЧЖ қўшма корхонаси ишга тушади. Uz-Prista Recycling ҚК собиқ «Резинотехника» ОАЖнинг фойдаланилмай ётган майдонларида ташкил этилиб, у ишлатиб бўлиган техник мойларни қайта ишлашга ихтисослашади.

2013 йил бошида Uz-Shindong Silicon Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси «Ангрен» МИЗда қуввати йилгига 5 минг тонна техник кремний ишлаб чиқаришга мўлжалланган заводни қуради. Қиймати қарийб 10 миллион долларни ташкил этувчи ушбу лойиҳа ҚК таъсисчилари — Ўзбекистон Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Shindong Enercom Inc компаниясининг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобидан амалга оширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестициялар вазирлиги Кореянинг Gong Seok компанияси билан «Ангрен» МИЗ ҳудудида электр техникаси соҳаси корхоналарини ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришини ташкил этиш бўйича ўзаро аниқлашув меморандумини имзолади.

Масъулиятсиз раислар ишдан четлатилди

Фаолият сарҳисоб этилганда

Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кенгайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Зотан, партия гоёларини кенг тарғиб этиш, электорат вакилларининг сиёсий ва фуқаролик масъулиятини ошириш дастурий мақсадларимизни рўйбга чиқариш, қолаверса, хайрихоҳлар ва аъзолар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Айтиш ўринлики, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши туман кенгашлари билан ҳамкорликда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада партия электорати манфаатига боғлиқ турли ташаббуслар билан чиқиб, дастурий мақсад-вазифаларни ҳаётга татбиқ этаётган БПТлар сони орбид борапти Бунга Миробод туманидаги бошланғич ташкилотлар фаолияти яққол мисол бўла олади.

Масалан, «Ўзтемирйўл-маштаъмир» унитар корхонасидаги бошланғич партия ташкилоти ўз атрофига 200 нафардан зиёд аъзони бirlаштирган бўлиб, унга Элла Ли етакчилиги қилмоқда. Унинг етакчилигидаги ташкилот фаоллари туман кенгаши билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, корхона жамоаси ва аҳолини ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан хабардор этиш, масалалар ечимига чуқурроқ кириб боришга аҳамият бераётгани боис ахши натижаларга эришмоқда. «Сихаттоҳ» профилактик-санаторийсидаги бошланғич ташкилот фаолияти хусусида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

Юнусобод туманидаги Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери қошидаги тузилган БПТ партия гоёларини

фаол тарғиб қилиш билан бирга, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, электорат сиёсий билимини оширишга йўналтирилган тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Мазкур БПТ ташаббуси билан яқинда 7-шаҳар клиник шифохонасида «Сифатли тиббий ёрдам — фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилиб, унда 15 нафарга яқин ёш мутахассис Ўзбекистон «Адолат» СДПга аъзо бўлгани ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

Бундай БПТлар фаолиятини ҳар қанча эътироф этсан, тарғиб-ташвиқ қилсан арзийди. Бироқ шаҳар партия Кенгашининг 9 ойлик ақунларига оид таҳлили партия куйи бўғинларининг фаолиятида муайян камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Айрим туманларда партия аъзолари сонининг камлиги, рақамларда учрайдиган тафовут, ўтказилган тадбирларнинг мазмун-моҳияти, таъсир кучи сустлиги, географияси торлиги, ташкилот фаолиятига маҳаллий кенгаш депутатлари деярли жалб этилмаётгани каби мисоллар фикримизга асос бўла олади. Шу боис Тошкент шаҳар Кенгаши бошланғич ташкилотлар билан ишлашга етарли эътибор бермаётган туман кенгашлари фаолиятини мониторинг қилиб, унинг натижалари асо-

сида аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Масалан, Олмазор ва Бектемир тумани кенгашлари фаолиятида бундай камчиликлар кўпроқ учрамоқда. Айниқса, ташкилий-партиявий ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган. Ўтказилаётган тадбирлар сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам бугунги талаблар даражасида эмас. Олмазорда йил бошида партия фаолияти билан боғлиқ бирон-бир тадбир ўтказилмаган. Бектемир туман партия кенгаши ўз вақтида ишга янги-ча ёндашиб, электорат манфаати йўлида ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатмагани боис аъзолар сони ўсмади.

Тошкент шаҳар партия Кенгаши томонидан мазкур ҳолат атрофлича ўрганиб чиқилиб, ташкилий чора кўрилди. Партиянинг Олмазор ва Бектемир туман кенгашлари раислари вазифаларидан озод этилиб, уларнинг ўрнига фаол ва изланувчан, масъулиятли кадрлар тайинланди.

Умуман олганда, БПТлар фаолиятини такомиллаштириш, бевосита улар орқали электорат ҳамда партия гоёларига хайрихоҳ бўлган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг фаоллигини оширишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бошланғич партия ташкилотлар ишини ҳам янада кучайтириш лозимлигини кўрсатади. Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар ана шу жиҳатларни қамраб олгани билан эътиборга молик.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Иш бор жойда натижа бўлади

БПТ — партия негизи


Охангарон туман Соғлиқни сақлаш бошқармаси қошидаги Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг куйи тузилмаси 169 нафар аъзони бирлаштирган. Ташкил этилган дастлабки даврда унинг аъзолари 20 нафардан ортироқ эди, холос. Ана шу биргина мисолнинг ўзиёқ мазкур БПТда ташкилий-партиявий, гоёвий тарғибот ишлари намунали йўлга қўйилганидан доллатдир.

— Мамлакатимизда «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиқиб, аҳоли саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди БПТ етакчиси Хуршид Хожиматов. — Айниқса, ушбу «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг изчиллик билан амалга оширилиши мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштирди. Биз ҳам партияимизнинг жорий йилдаги ҳаракат дастури асосида жойларда қатор тадбирларни ташкил этиб келмоқдамиз. Масалан, «Эл саломатлиги — юрт болиғи», «Соғлом она — соғлом бола», «Эрта турмуш қуришини салбий оқибатла-

ри», «Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади», «Оилада гиғиена қоидалари» мавзусидаги учрашув ва юзма-юз мулоқотлар шулар жумласидандир.

Партиянинг сайловолди дастурида, иқтисодий энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизими таяниши даркорлиги таъкидланган. Ушбу дастурий гоёларни рўйбга чиқаришда куйи тузилма томонидан амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, БПТ фаол аъзолари ташаббуси билан туманда муқо-бил энергия манбаларини ом-

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати



Нигоҳ

Пухта ўйланган тараққиёт йўли

мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантирмоқда

Давом. Боши 1-бетда

Бу ютуқлар замиридаги тараққиёт йўлимиз — "Ўзбек модели"га катта қизиқиш билан қарашмоқда.

Биргина иқтисодиётимизда юз бераётган ўзгаришлар, хусусан, саноатдаги эришилган ютуқлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди. Эътиборлиси шундаки, саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этади. Албатта, эришилган бундай ижобий натижаларга мамлакатимизда саноат тармоқларини ривожлантириш, қулай инвестициявий муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида изчил олиб борилаётган ислохотлар муҳим аҳамият касб этаётди.

Бугунги кунда машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ҳамда нефть-кимёси, қурилиш материаллари, фармацевтика ҳамда мебелсозлик, айниқса, озиқ-овқат саноати жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган.


Мазкур соҳаларнинг сифат жиҳатдан тараққий этишида, айтиш мумкинки, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани, ишби-

лармонликка кенг йўл очилгани муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, инвестиция — иқтисодий юксалиш пойдевори. Айниқса, ишлаб чиқаришда хорижий сармоядорлар иштироки муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда ишбилармонлар учун қулай инвестиция муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли тадбиркорларимиз билан мустақам алоқалар ўрнатиш, қўшма корхоналар ташкил этиш истагидаги хорижий ишлаб чиқарувчилар сони тобора ортмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат ва сон жиҳатдан кўпаймоқда.

Аниқ рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг 9 ойида асосий капиталда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 15,3 миллиард сўмни ташкил қилди ва қийёси нархларда 9,8 фоизга ошди. Жалб этилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2 миллиард долларни ташкил қилди, жумладан, ўзлаштирилган 1,6 миллиард долларнинг 1,3 миллиард доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Агар 2011 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирадиган бўлсак, ўсиш 9,6 фоизни ташкил этмоқда. Эътиборлиси, хорижий ҳамкорлар билан шерикчилик алоқаларининг мустақамланиши маҳсулотнинг асосий қисmini четга сотишга ҳам кенг йўл очмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида эришилаётган ютуқлар



ҳақида гап кетганда, кичик бизнес соҳасини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Маълумки, хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг энг жозибали соҳаларидан бири эканлиги бугунги эришилаётган ютуқларимизда ҳам намоён бўлмоқда. У бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига тез мослашди, жумладан, бир пайтнинг ўзида кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик ҳаракати учун янада қулай шарт-шароит яратилиб, қўшимча имтиёзлар берилмоқда. Натижада ишбилармонлар сафи кун сайин кенгайиб бораётди. 2012 йилнинг биринчи ярмида 13 мингта

янги кичик бизнес субъекти ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва либераллаштириш, мулкдорлар ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес соҳаси жадал ривожланиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда.

Бу борада, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шу асосда яратилган қонунчилигимизда ўзи ифодасини топган хусусий мулк қаролатларининг тўла

таъминланаётгани муҳим омил бўлаётди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган ҳуқуқий асос изчил тақомиллаштирилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг июль ойида қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш

ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжатларда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, бизнес юритиш шароитини баҳолашнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган тизимини жорий этиш бўйича кенг қўламли вазифалар белгилаб берилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП давлатимиз томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган бу каби сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Биз ушбу сиёсатни иқтисодий ўсишнинг тўловга лаёқатлилик талабини ошириш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оиласини муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлган сериш ва самарали меҳнати рағбатлантиришга қаратилган асосий саяё-ҳаракатлардан бири сифатида қабул қиламиз. Биз ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат индикатив иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қучли қўллаб-қувватланиши тарафдоримиз.

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Реклама

Иزلаниш ва самара

ёки «Ипотека банк» Сирдарё вилоят филиали тажрибасининг амалий натижалари

«Ипотека банк»

Сирдарё вилоят филиали республика миқдосдаги иқтисодий, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида оилаларни, шу жумладан, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик, миллий хунармандчиликни ҳамда хусусий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда республикада фаолият юритаётган барча тижораат банклари, жумладан, «Ипотека банк» ҳам кенг қўламли ишларни амалга оширди. Бунга банкнинг Сирдарё вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи якунида қайд этилган кўрсаткичлар ҳам аъло мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётимизда амалга оширилаётган ислохотларни банк тизими хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис тизимда ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусан, халқаро молия бозорига банкларимизни нуфузини ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш ва ликвидлигини мустаҳкамлаш, капиталлашувни даъво қилиш, соҳага хусусий капитални кенг жалб қилиш, ресурс базасини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Натижада банкларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштироки кундан-кунга ошириб бораёпти.

«Ипотека банк»нинг Сирдарё вилоят филиали ҳам ушбу йўналишдаги амалий саяё-ҳаракатлари билан вилоятда етакчи молия муассасаларидан бирига айланган. Филиал томонидан хўжалиқлар ва аёқ тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар, оилавий бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, саноат марказларидан олибда жойлашган туманлар аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар диққат-



га сазовор бўлаяпти. Ушбу муассаса томонидан ажратилаётган микрокредитлар миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, азалий анъаналарни сақлаб қолишда катта ўрин тутаяпти. Фермер эҳтиёжлари учун ажратилаётган маблағлар, жойларда янги иш ўринлари ва янги мулкдорлар синфини вужудга келтириб, янги турмуш тарзи раёнага хизмат қилмоқда.

Филиал жамоасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга қўшаётган хиссасини алоҳида таъкидламоқ лозим. Биргина 2012 йилнинг 9 ойи давомида ажратилган ипотека, истеъмош ва микрокредитлар учун ёш оилаларга 553,5 млн. сўм, жумладан, 144,0 млн. сўм истеъмош кредити, 177,0 млн. сўмлик хусусий бизнес учун йўналтирилган микрокредитлар, 232,5 млн. сўм миқдордаги ипотека кредитлари шулар жумласидандир.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам филиал кредитлаш сиёсатининг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Банкнинг бевосита ёрдами билан қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи истеъмош моллари ишлаб чиқарадиган янги линияларни барпо этиш ва ривожлантиришда муайян натижаларга эришмоқдалар.

Бутун республикада бўлганидек, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятида устувор ўринни эгаллаб келмоқда. Филиал ушбу йўналиш бўйича бир қанча хорижий банклар ва молия муассасалари кредит йўналишларини ўзлаштириш ҳамда банкнинг ўз маблағлари асосида кичик лойиҳаларни қўриб чиқиш ва молиялаш юзасидан фаол ишлар олиб бормоқда. Хусусан, яқка тартибдаги тадбиркорлар, фермер хўжалиқларини кредитлашда фаол қатнашиб, айни пайтда 1420 дан ортиқ хўжалиқ юртдаги субъектларга хизмат кўрсатиб келаяпти. Фаолият қўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга барча манбалар маблағлари ҳисобида 6,5 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Жумладан, 1411,3 млн. сўмлик микрокредитлар, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган 602,0 млн. сўм хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга берилган 801,9 млн. сўмлик кредитлар шулар жумласидандир. Хусусан, тадбиркорларнинг йўлга қўйилгани тадбиркорлар учун яна бир катта имконият бўлди. Ушбу дастурнинг асосий мақсади кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва янги ишчи ўринларини ташкил қилишдан иборатдир. Дастур доирасида 2012 йил 1 октябрь ҳолатига 929 млн. сўмлик маблағ ажратилди.

Мижозларига янада қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг вақтларини тежаш мақсадида «Интернет-банкнинг» дастури жорий этилди. Ушбу хизмат турининг қулайлиги шундаки, мижоз томонидан пул маблағларини масофадан туриб бошқариш, ҳисоб-рақамда мавжуд пул маблағларининг ҳаракатини кузатиш имкониятини яратди. Интернет технологиялари асосланган банк хизматлари соҳа тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш шакл-шубҳасиздир. Бундан ташқари, тадбиркорларга SMS-хабарчи орқали ҳам хизмат кўрсатилаёпти. Натижада мулкдорлар ҳисоб-рақамда мавжуд пул маблағларининг ҳаракатини истаган жойда қўриш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу хизмат орқали банк мижозлари ўз маблағлар қолдиғи, тушган ёки чиққан суммани уяли телефонлар орқали билиб олишлари мумкин.

Бундан ташқари, филиал биносидан барча қулайликлар ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланган ушбу хонада тадбиркорлар ўзларини қизиқтираётган барча саволларга батафсил жавоб олишлари мумкин. Эндиликда мамлакатимиз банклари аҳолига кенг қўламли банк хизматларини кўрсатиш, мижозларини жалб қилиш мақсадида мунтазам равишда янгиликлар жорий этаётгани ҳам ва бу билан чакана банк хизматлари бозорини фаол ривожлантираётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Зеро, бугунги соғлом рақобат муҳитида ана шундай

талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олмай қўтилган натижаларга эришиш мушкулдир.

Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда «Ипотека банк» вилоят филиали ҳудуд иқтисодиётининг юксалишига чакана банк хизматлари, корпоратив банк каби функцияларни муваффақиятли уйғунлаштириб келмоқда. Бугунги кунда банк аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитларидаги маблағларни ишончли сақлаш билан бирга мижозларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатмоқда.

Филиал томонидан мижозлар вақтларини тежаш мақсадида, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, жам-фарма, махсус кассалар, мини банклар тармоғини тақомиллаштиришга ҳаракат қилинаёпти. Бугунги кунда филиалда 2 та мини банк, 4 та пул ўтказмалари шохбончаси, 4 та жам-фарма касса фаолият кўрсатмоқда. Мини банкларни ташкил этиш аввало, саноат, кишлққ хўжалиғи, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ва таъшиқлотларнинг иқтисодий фаолиятини жонлан-тиришга, шунингдек, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг банк хизматларига бўлган талабини қондиришга қаратилгандир.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг аксарият қисми учун банк омонатлари бўш пул маблағларини ишга солишнинг энг жозибали ва ишончли усули ҳисобланади. Банк ана шу талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, аҳоли омонатларини янада кўпроқ жалб қилиш, янги жозибдор омонат турларини тақлиф этаётгани туфайли жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига жисмоний шахслардан жалб қилинган омонатлар ҳажми 1 643 млн. сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда филиалда 3 та халқаро пул ўтказмалари шохбончаси фаолият кўрсатмоқда. «Вестерн Юнион», «Контакт», «Быстрая почта», «Близко», «Мигром», «Мониграм», «Юнистрим», «Золотая корона» тизимлари орқали ўтган уч чорак мобайнида 11000 дан ортиқ мижозга хизмат кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, «Ипотека банк» аҳоли учун янги технологиялар ва банк хизматларини жорий этиш соҳасидаги новатор, шунингдек, доимо

мижозлар истагини ҳисобга олувчи сиёсатини уларнинг ҳар бирининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қўридан барқарор ва ишончли шеригидир. Шу маънода банкнинг пластик картчалар бозорига пешқадамлик мавқеини ушлаб, картчка эгаларига нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини янада кенгайтираётгани диққатга сазовордир.

Шу боис мазкур банкнинг пластик картчаларига эга мижозлар сони мунтазам ўсиб бораёпти.

Иزلаниш — ҳамиша янги-янги муваффақиятлар эшигини очади. Шу маънода Ипотека банк пластик картчкалар бўйича ягона умумрес-публика процессинг маркази билан ҳамкорликда «SmartVista» технологиясига асосланган EMV стандартида янги тўлов тизимини жорий этмоқда. Ушбу дастур доирасида микропроцессорли пластик картчалар муомалага чиқарилди ва банк тўлов терминналари зарур дастурлар билан таъминланди. Ҳадемай банк савдо терминалларига янги «SmartVista» картчкаларини тўловга қабул қилиш имконияти мавжуд бўлади. Таъкидлаш жоизки, EMV стандартига ўтиш мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш билан бирга, банкнинг чакана хизматлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш ҳамда кенг имкониятларга эга бўлишига ҳам хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, «Ипотека банк»ни, жумладан, қилинган омонатлар ҳажми 1 643 млн. сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда филиалда 3 та халқаро пул ўтказмалари шохбончаси фаолият кўрсатмоқда. «Вестерн Юнион», «Контакт», «Быстрая почта», «Близко», «Мигром», «Мониграм», «Юнистрим», «Золотая корона» тизимлари орқали ўтган уч чорак мобайнида 11000 дан ортиқ мижозга хизмат кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, «Ипотека банк» аҳоли учун янги технологиялар ва банк хизматларини жорий этиш соҳасидаги новатор, шунингдек, доимо

Банк матбуот хизмати

Ягона ойна марказлари кўпаймоқда

3 ноябрь куни "Ўзбектелеком" АК филиаллари томонидан мамлакатимизнинг барча вилоят марказлари ва қишлоқ жойларида, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида яна 12 та янги "Ягона ойна" офислари очилди.

Янги офисларнинг очилиш маросими Ангрэн шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда қишлоқларда жойлашган янги сотув офисларида видеоконференц-алоқа воситасида ўтказилди.

Анъанага кўра бир вақтда яна барча шароитларга эга 12 та янги "Ягона ойна" офисларининг ишга туширилиши тимсоли сифатида рамзий тугма босилди.

"Ўзбектелеком" АК савдо департаменти директори Шухрат Тўхтабоевнинг сўзларига кўра, "Ягона ойна" офислари ёрдамида ҳар бир абонент телефония, ажратилган линия бўйича Интернет, симсиз телефония ва CDMA-450 стандартида мобил Интернет, видеотелефония ва ҳатто "Uz DigitalTV" МЧЖ тақдим этадиган IPTV, Stars TV, рақамли телевидение каби хизмат турларидан фойдаланиш имконига эга бўлади.

Эслатиб ўтаемиз, бу йил Мустақиллик байрами арафасида 21 та "Ягона ойна" савдо офислари очилган эди.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси 2011 йил охиригача бутун мамлакат бўйлаб "Ягона ойна" тамойили бўйича 50 та дастлабки савдо офисларини ишга туширди. 2012 йил охиригача эса бутун мамлакат бўйлаб 80 та "Ягона ойна" офисини ишга туширилиши режалаштирилган. Йилнинг ўтган даврида "Ўзбектелеком" АК томонидан 40 дан ортиқ "Ягона ойна" офислари очилган.

Диабетга йўл йўқ

14 ноябрь куни бутун дунёда Халқаро қандли диабетга қарши курашиш куни деб эълон қилинган. Шу муносабат билан мамлакатимизда ҳар йил ноябрда қандли диабетга қарши курашиш ойлиғи ўтказилади.

Республика бўйича 118 минг нафар киши қандли диабет касаллиғи билан диспансер рўйхатига олинган. Бу ҳақда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Худоевров маълум қилди. Унинг айтишича, эпидемиология кўрсаткичларига кўра, мамлакатимизда ушбу касаллиқнинг тарқалиши 5 фоизни ташкил этади. Лекин рўйхатга олинмаган беморлар ҳам бор. Маълумотларга кўра бугунги кунда дунёда 246 миллион киши ана шу касалликдан азият чеқмоқда. Агар зарур чоралар қўрилмаса, яна 25 йилдан кейин ҳар олтинчи одам, асримиз ўрта-ҳақда келиб ҳар кичкинчи киши қандли диабетга чалиниши мумкин.

2006 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 61-сессиясида "БМТнинг қандли диабет тўғрисида"ги Резолюцияси қабул қилинган. Унга кўра, 2007 йилдан буён 14 ноябрь давлат миқёсида диабетга қарши курашиш куни сифатида нишонланиши керак.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу ойликнинг очилишига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида қайд этилишича, қандли диабетнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, профилактика ва диагностика ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида юртимизда кишлққ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар қандли диабетни аниқлашда зарур бўладиган лаборатория-таҳлил воситалари билан тўлиқ таъминланган. Худудий тиббий муассасалари ва эндокринология диспансерларида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказиш ва даволаш учун барча имкониятлар мавжуд.

Бош Қомусимизда ёшлар ҳуқуқи

ёхуд Конституцияда ёшлар ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатлари асослари

Давоми. Боши 1-бетда

Конституциямизнинг 4-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф одатлари, анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди ва элатларнинг ривожланиши учун шароит яратди. Юқоридаги норманинг ҳаётдаги ифодаси сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда 120 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакилларида иборат ёшлар яшамокда. Ушбу ёшларга ўз тилларида гаплашиши, таълим олиши ва урф-одат ва анъаналарини келажақ авлодга етказиши учун барча имкониятлар яратилган.

Конституциямизнинг "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланувчи 2-бўлимида ёшларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳамда уларнинг конституцион кафолатлари тўғрисидаги қоидалар ўз ифодасини топади.

Умумий қоидага мувофиқ вояга етмаганлар ҳам катталар сингари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ҳозирги кунда ёшларимизга кўплаб имкониятлар яратилган бўлиб, улар нафақат юртимизда, балки чет мамлакатларда ўқиш имкониятга эга ва ёшларимиз бу имкониятдан тўла фойдаланмоқдалар.

Конституциямизнинг 22-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам унинг ташқарида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳимойилик кўрсатишни кафолатлайди. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси ташқарида фаолият олиб бораётган ёшларимиз учун ҳар томонлама ҳамхўрлик саналади. Ушбу ҳамхўрлик ифодаси ўлароқ, ўз навбатида, юртимизда фаолият олиб бораётган ёки таълим олаётган чет эллик ёки фуқаролиги бўлмаган ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Асосий Қомусимизнинг 29-моддасида "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга" эканлиги алоҳида қайд этилган. Ушбу



ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда ёшларимиз оммавий ахборот воситаларида ўз фикрларини бемалол билдириб келмоқдалар. Информацион технологиялар ривожланган бир пайтда ёшларимиз ўзлари қизиққан маълумотларни Интернет ёки ахборот ресурсларидан олиш имкониятлари яратилди, ушбу масалаларда ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, Конституциямизнинг 30-моддасида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансбдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб берилиши лозим. Бу эса ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор маълумотларни олишнинг ҳуқуқий кафолатини яратди.

Боз устига Конституциянинг 31-моддасида мамлакатимизда виждон эркинлиги кафолатланган экан, бу масала ёшларга алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг таълим олиши учун турли ўрта махсус ва олий таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда. Ёшларимизнинг диний таълимотга эга бўлиши учун ўрта ва олий таълим муассасаларида диншунослик фанлари ўқитилиб келинмоқда, унда ёшлар онгига

диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди ҳамда бундай хатти-ҳаракатлари учун тегишли қонунларда жавобгарлик масалалари белгиланган.

Ёшларимиз ўзларининг сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Улар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиб келмоқдалар. Референдумлар, вакиллик органлари ҳамда Президент сайловларида ёшларнинг фаол иштирокини қузатиш мумкин. Ёшларимиз ўзлари муносиб деб толган номзодларга ўз овозларини бериб, мустақил сиёсий ҳуқуқий маданият эгаси эканликларини исботлаб келишмоқда.

Конституциямизнинг 34-моддасига кўра ёшларимизнинг қасба уюшмаларига сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюлиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи мустақамланган. Ушбу ташкилотларга аъзо бўлиш ёши 18 ёш этиб белгиланиши ёшларимизнинг жамоат бирлашмалари фаолиятида фаол иштирокини таъминлайди.

Ёшлар Конституцияда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиш мақсадида бирор-бир фаолиятни такомиллаштириш юзасидан тақдирлар бериши, бўзилган ҳуқуқларини тиклаши юзасидан шикоят билан мурожаат этиши табиий. Ёшлар

нинг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциямизда мустақамланган ҳамда унинг механизми "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунда белгиланган.

Ҳозирда ёшларга Конституцияда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлардан фойдаланишнинг механизми яратилган. Ўзбекистон Республикасида ёшлар учун: бепул тиббий хизмат, бепул умумий таълим олиш, спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларига имтиёзли шартларда қатнашиш, уй-жой қуриш, рўзгор буюмларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш, дастлабки меҳнат фаолияти учун иш жойи билан таъминланиш ёки амалдаги қонунларга мувофиқ моддий компенсация олиш ҳуқуқи, ўқувчилар, талаба ёшлар ва вояга етмаган фуқаролар учун транспортда юриш имтиёзлари, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ёшлар тарбияси хусусида гап кетганда, таъкидлаш жоизки, аввало, оила муҳитини ўзимизда тасаввур қилишимиз табиий. Конституциямизда "Оила" деб номланувчи махсус боб мавжуд бўлиб, унга кўра

оила жамиятнинг энг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда Республикаимизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил этади. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз томонидан турли хил тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Конституциямиздаги ана шу боннинг ўзига хос хусусияти шундаки, давлат ва жамият отанасидан айрилган болаларни ва ота-оналарнинг васийлигиндан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлашни ўз зиммасига олади. Шунингдек, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуналарига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур бўлсалар, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналарига ҳамхўрлик қилишга мажбурдирлар, деган қоидалар миллий менталитетимиз хусусиятларидан келиб чиқиб ўрнатилган.

Муҳтасар айтганда, эртамиз эгалари учун қанчалик имконият яратсак ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини кенгайтирсак, келажагимиз учун шунчалик мустақам пойдевор яратган бўлаемиз.

Ойбек ТУРҒУНОВ,
юридик фанлар номзоди,
доцент

Сўранг, жавоб берамиз

? *Ҳуқуқшунос маслаҳатчиларни аттестациядан ўтказиш ва уларни малакасини ошириш тартиби қайси ҳужжатлар билан тартибга солинади?*

Б.Йўлдошев,
Зангиота тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги "Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 244-сонли қарори билан тартибга солинади. Низом тасдиқлангунга қадар мазкур жараён Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилдаги "Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида" 118-сонли қарори билан амалга оширилиб келинган.

? *Ҳуқуқшунос маслаҳатчилар қанча муддатда аттестациядан ўтишлари лозим?*

С.Нурматов,
Сардоба тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги "Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 244-сонли қарорига асосан ҳуқуқшунос маслаҳатчилар 5 йилда бир мартаба ҳудудий адлия органларидан аттестациядан ўтишлари лозим. Мазкур қарор билан олий ўқув юрти битирган ва мутахассислиги бўйича янги ишга кирган юридик хизмат ходимлари 2 йил ишлаганларидан сўнг ҳудудий адлия органларидан аттестациядан ўтказилади. Аммо улар 2 йиллик фаолият муддати тугашидан 3 ой олдин ҳудудий адлия органларига ариза билан мурожаат қилишлари лозим.

? *Ҳуқуқшунос маслаҳатчи олий ўқув юрти битириб янги ишга кирган тақдирда, унга ҳуқуқшунос маслаҳатчи бўлиб ишлаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома талаб этиладими?*

И.Ҳайитов,
Норин тумани

— Йўқ, у Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги "Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом талабига кўра 2 йилгача гувоҳномасиз ишлаш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ҳуқуқшунос маслаҳатчи 2 йиллик муддат тугашига 3 ой вақт қолганда адлия бошқармасига аттестациядан ўтиш учун ҳужжат топширади.

Саволларга Сирдарё вилоят адлия бошқармаси шўъба мудри **Комилжон БОТИРОВ** жавоб берди

Судьяларга ипотека кредитлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги қарори билан Судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда Судьяларга уй-жойларни ижорага олгонлик (ижорада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиблари тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Қарор Конституциявий суд судьяларига, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва ҳўжалик судларининг судьяларига тегишли.

Ипотека кредити судьяларга камида 10 йил муддатга берилди. Тижорат банки томонидан бериладиган ипотека кредити миқдори ипотека кредити олиш учун буортманомга берилган кунда республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 баъваридан ортиқ бўлиши ва сотиб олинганда ажра қартибдаги уй-жой ёки кўп квартираларга уйдига квартира қийматининг 75 фоизидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда судья тижорат банкдан ипотека кредити олиши учун ўз ҳисоб-рақамидан сотиб

олингандан уй қийматининг камида 25 фоизи миқдоридидаги ўз маблағига эга бўлиши керак. Сотиб олингандан уй қийматининг 25 фоизи миқдоридидаги дастлабки бадал судьянинг ҳисоб-рақамига Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жағфармаси маблағлари ҳисобидан ўтказилиши мумкин.

Қарз гаров таъминоти ёки кафилият ҳужжати тақдим этилган ҳолда фоизсиз ва қайтариш асосида берилади. Қарзини қайтариш муддати ипотека кредитини қайтариш муддатидан кам бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун судья иш жойига қарз бериш тўғрисидаги ариза ва зарур ҳужжатлар билан бирга мурожаат қилиши лозим.



Жорий йил дехқонларимиз учун баракати келди. Давлатга сотиладиган галла ва пахта режалари ортиғи билан урдаланди. Албатта, бунда фермерларимизнинг кўп йиллик тажрибалари қўл келиши бароборида, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган банклар томонидан яқиндан молиявий ёрдам кўрсатилгани ҳам муҳим ўрин тутди. Ана шундай молиявий ташкилотлардан бири «Агробанк»нинг Навоий вилоят филиалидир.

АГРОБАНК: фермерларнинг асл ҳамкори

Навоий вилояти — мамлакатимизнинг ҳудуди жиҳатидан энг катта ва санаотлашган ҳудудларидан бири. Вилоятда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, жумладан, пахта ва галла етиштиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинади. Пахта ва галла етиштиришга ихтисослашган кўплаб фермер ҳўжаликлари эса ОАТБ «Агробанк»нинг вилоят филиали ўз хизматини тақлиф этиб келаётир. Унинг хизматларидан фойдаланаётган миқдорлар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу вилоят фермерларининг мазкур банкка бўлган ишончининг ортиб бораётганлигидан далолатдир.

«Агробанк» ОАТБнинг туман филиаллари томонидан жорий йил галла ҳосили учун жами 8 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, галлакорлар мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Пахта ҳосили етиштириш учун эса бунда тарихида хизмат кўрсатилган фермер ҳўжаликлари 22 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит берилди. Ажратилган кредитлар уруғлик тола етиштиришга, иш ҳақиқа, нефть маҳсулотлари ва ёқилғи-мўйлаш материалларига йўналтирилди.

Бундан ташқари, фермерлар ихтиёридаги техника воситаларининг доимий созилини таъминлаш мақсадида агротехсервис корхоналарига ва зарур техник воситаларини харид қилиш мақсадида фермерларга тижорат кредитлари ажратилди.

Амалга оширилган ана шундай саъй-ҳаракатлар натижа-сида, юқорида таъкидлангани-миздек, вилоят фермерлари ўз олдидан қўйилган мажбуриятларни ортиғи билан бажаришди. Масалан, Конимех туманидаги «Аҳмад бобо» фермер ҳўжалигида 2012 йил учун контрактация шартномасига асосан 46,8 тонна пахта етиштириб бериш харажатлари учун имтиёзли кредит ажратилган эди. Олинган маблағ эвазига пахта етиштириш учун зурур ўғит ва техника-мўйлаш маҳсулотлари сотиб олинди. Фермер ҳўжалиги вилоятда биринчилар қаторида белгиланган режани 135 фоизга бажарди.

Қизилтепа туманида фаолият олиб бораётган «Шоди-обод» фермер ҳўжалиги эса банк томонидан кўрсатилган молиявий кўмак туфайли режани 140 фоизга урдаланди.

2013 йил галла ҳосилини

етиштириш учун ҳам ҳозирда вилоят бўйича банк филиаллари томонидан фермер ҳўжаликлари билан имтиёзли кредит шартномалари имзоланди.

Вилоятда чорвачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. ОАТБ «Агробанк»нинг вилоят филиали томонидан мазкур соҳага катта миқдорда кредитлар йўналтирилган сўзимиз исботидир. Масалан, Конимех туманидаги «Гаухарбек Ули Жанод» фермер ҳўжалиги 35 млн. сўм миқдоридида кредит маблағи билан таъминланди. Бу кредит маблағидан оқилана фойдаланган фермер ҳўжалиги чорва молларини кўпайтириб аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

— Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. — дейди Кармана туманидаги «Равшан» фермер ҳўжалиги раҳбари Зиёвуддин Равшанов. — Биз ҳам бу вазифани бажаришга баҳоли қудрат ҳисса қўиш мақсадида «Агробанк»га кредит сўраб мурожаат қилган эдик. Банк

ҳодимлари мурожаатимизни ўз вақтида ўрганиб чиқиб, 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратишди. Бу маблағга сутни қайта ишлаш учун ускуналар харид қилдик. Ҳозирги кунда ҳўжалигимизда мавжуд 90 бош сигирдан соғиб олинаётган сут қайта ишланиб, турли сўт маҳсулотлари ишлаб чиқараёпмиз.

Навбаҳор туманида фаолият юритаётган «Осиё» фермер ҳўжалиги асосан балиқчиликка ихтисослашган. Ҳўжаликка банкнинг 80 миллион сўмлик имтиёзли кредити ажратилгани жуда асосди. Ҳозирда махсус ҳовузга балиқ чавоқлари ташланиб кўпайтирилмоқда.

Умуман олганда, жорий йилнинг 9 ойи давомида 84 та фермер ҳўжа-лигига 3 млрд. 350 миллион сўмлик кредит берилди. Бу маблағлар ҳисобига вилоятда чорва маҳсулотларидан ташқари балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кескин ортиб бормоқда. Шаҳару қишлоқларда мавжуд бозорлардаги тўкинлик киши кўзини қувонтиради.

Абдуғани СОДИҚОВ

Реклама

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKSION SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани талбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига қарашли бошланғич нархи 10 096 200 сўм бўлган, 2005 йилда и/ч, д/р 01/483 АСА бўлган Матиз русумли, «TECHNOLOG-TEXPLAST» шўъба корхонасига қарашли бошланғич нархи 5 420 000 сўм бўлган, 1998 йилда и/ч, д/р 10АЕ379 бўлган Дамас русумли, ҳамда «Авто Max Group» МЧЖга қарашли бошланғич нархи 18 400 000 сўм бўлган 2009 йилда и/ч, д/р 01/702 FBA бўлган Нексия Донс 150 русумли, бошланғич нархи 13 300 000 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч, д/р 01/110МВА бўлган Матиз русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2012 йил 13 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион яқунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспортлар билан сотувчи ташкилот вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказиладиган бир кун олдин тўхтатилади.

2012 йил 13 декабрь куни ўтказилган аукцион савдосида сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 31 декабргача ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари қайта ўтказилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закатат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтохур филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р-20208000804941652002, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55, 233-33-37.

Жараён

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти қонун билан кафолатланган

Концепция: устувор вазибалар

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мамлакатимиз тараққиётининг кейинги босқичида энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб берди.

Кучли давлатдан кучли жамият сари олға қадам босар эканмиз, бу жараёнда мамлакатимиз тараққиётини фуқаролик жамияти институтлари ва улар таркибига кирувчи нодавлат нотижорат ташкилотларисиз тасаввур қилишимиз қийин. Концепцияда айнан фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида ўрғу берилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, фуқаролик жамияти элементлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кўринишлари юртимизда азалдан маҳаллалар кўринишида мавжуд бўлган. XVIII-XIX асрларга келиб, маҳаллалар ўз инфратузилмасига эга бўлган, шахарсозликнинг барча элементларини ўзида му-

жассам этган алоҳида ривожланган нодавлат ташкилотларга айланган. Маҳаллалар том маънода маҳаллий бошқарув органи бўлиб, барча маиший масалалар маҳалла оқсоқоллари маслаҳати ва кўмаги билан ҳал этилган.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларданок, муста-

бид тузум даврида поймол қилинган, аҳамияти йўқ даражага туширилган маҳаллаларни яна тиклаш, азалий маҳалла-қўйчилик анъаналарига яна қайтиш мақсадида қўллаб-қўллаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлови тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа бир қатор фармон, қарор ҳамда фармойишлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларга қонунларимизда ҳуқуқий асослар яратилишига илк истиқлол шамоли эс-гандак эътибор қаратилгани аҳамиятга моликдир. Хусусан, 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши фуқаролик жамиятлари учун мустақам ҳуқуқий замин бўлди.

Ушбу Қонуннинг 1-моддасида ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргалликда рўйбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хо-ҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида ву-жудга келган ижтимоий тузил-ма жамоат бирлашмаси экан-лиги қайд қилиниб, фуқаро-ларнинг муштарак мақсадлар-да бирлашиш ҳуқуқи муста-қамланди.

Шунингдек, Қонуннинг 5-моддасида қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига арала-шишига, худди шунингдек, жа-моат бирлашмаларининг дав-лат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига арала-шишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Ўзбеки-стон Республикасининг “Нодав-лат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги” Қонуни қабул

қилиниши билан нодавлат нотижорат ташкилотлари жамо-ат фонди ва муассасаларнинг ҳуқуқий асослари янада мус-тақамланди.

Ушбу қонунда жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томо-нидан ижтимоий мулкий бадал-лар қўшиш асосида ташкил этилган, ҳайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бош-қа ижтимоий фойдали мақсад-ларни қўлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди эканлиги ҳамда ижтимоий, ма-даний ва бошқа нотижорат тус-даги вазибаларни амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эъти-роф этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикасининг 2003 йил 29 ав-густдаги “Жамоат фондлари тўғрисида” махсус қонун қабул қилиниб, жамоат фондлари-нинг ўзига хос хусусиятлари-нинг қонуний асослари яра-тилди.

Бундан ташқари, мамлака-тимизда фуқаролик жамияти

институтлар, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлар сони-нинг мунтазам ўсиб бориши ушбу фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги му-ҳим қадам деб ҳисоблашимиз мумкин.

Биргина Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан бугунги кунда 304 та нодавлат нотижорат ташкилот рўйхатга олинган бўлиб, шундан 20 та нодавлат нотижорат ташкилот давлат рўйхатига, 203 та но-давлат нотижорат ташкилот ҳисоб рўйхатига олинган.

Нодавлат нотижорат ташки-лотлари фаолиятига кафолат-лар бериш, уларнинг ҳуқуқла-ри ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъмин-лаш, нодавлат нотижорат таш-килотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йил 3 январь куни “Нодавлат нотижорат таш-килотлари фаолиятининг ка-фолатлари тўғрисида”ги Қону-ни қабул қилиниши ҳам диқ-қатга моликдир.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтлар, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилот-ларни давлат томонидан мо-

ливиёй ва бошқа кўринишда қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузурида Жамо-ат фонди ташкил қилиниши ҳамда унинг таркибига нодав-лат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул хо-димлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қили-ниши ҳам эътиборга сазовор-дир. Ушбу Фонд томонидан уч йил давомида 11 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағ-лари фуқаролик жамияти инс-титутлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни молия-лаштириш учун ажратилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилот-лари фаолиятининг қонуний асослари яратилиб, улар дав-лат томонидан қўллаб-қувват-ланиб келинмоқда.

Рустам ЭШБОЕВ,
Сирдарё вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

Адолат қарор топди

Ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида: “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroит-ларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тар-тибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга-дир”, дейилган.

Зеро, меҳнат маҳсули наинки бир шахснинг, балки кишилик жамиятининг моддий ва мада-ний турмуш даражасини юксалтиришга қодир кучдир. Шунинг учун ҳам меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари (Меҳнат кодекси, 2-модда), энг аввало, ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳ-нат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шaroитла-рини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғ-лиги ҳимоя қилинишини таъминлади.

Амалдаги қонунларимизда меҳнатга оид муносабат-ларда камситишнинг тақиқ-ланиши (Меҳнат кодекси, 6-модда) белгиланган. Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқла-рига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имко-ниятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муно-сабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансубли-ги, шунингдек, ходимлар-нинг ишчанлик қобилиятла-рига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатла-рига қараб меҳнатга оид му-носабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар кам-ситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат маҳсули ва унинг на-тижаларида шахс, жамият ва давлат манфаатлари ўзаро уй-ғун келар экан, бу соҳадаги бошқарувни давлат томонидан олиб борилиши қонунларимиз-да тугал ифодасини топган. Жумладан, меҳнат бошқаруви-ни амалга ошириш Ўзбеки-стон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари зиммаси-га юклатилган.

Ўз навбатида, меҳнат тўғ-рисидаги қонун ҳужжатла-рига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ва назорат қилиш (Меҳнат ко-декси, 9-модда) қонунда бел-гиланган тартибда шунга махсус вакил қилинган дав-лат органлари ва уларнинг инспекциялари, шунингдек, касаба уюшмалари томони-дан амалга оширилиши

кўрсатилган. Шунга қарамай ҳали ҳам айрим фуқаролар ўзларининг меҳнат ҳуқуқла-рини аниқлаб олишда баъзи му-аммоларга дуч келаётганлик-лари сир эмас. Бундай ҳол-лар аксари вақтларда иш бе-рувчи томонидан меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шарт-номаларнинг шартларига, яъни қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан, шартнома йўсинидаги ҳужжат-лар (жамоа келишувлари, жа-моа шартномалари, бошқа ло-кал ҳужжатлар), шунингдек, хо-дим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартнома-рига тўлиқ амал қилмаслик ту-файли юзага келмоқда.

Сўзимиз қуруқ бўлмасин учун бир мисол. Поп тумани-даги Соғлиқни сақлаш вазир-лигига қарашли сил касаллик-лари санаторийсининг жамоа шартномасида “Ходимнинг меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина касаба уюшма ташкилоти-нинг олдиндан розилигини олиб, амалга оширилиши” қайд этилган. Шунга қарама-сдан 2011 йил 30 декабрь куни кўп йиллар республика аҳоли-сини сил касаллигидан сақлаш ва унинг олдини олиш мақса-дида сидқидилдан меҳнат қил-ган ҳамда зарарли шарoитда ишлаганликлари учун имтиёз билан нафақага чиққан тўрт нафар фтизиатр врач — Олим-бой Каримов, Абдумуталли Рискүлов, Левиза Назарова, Гулбаҳор Рўзиметова билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига кўра иш бе-рувчининг ташаббуси билан бекор қилинган. Ҳолбуки, маз-

кур 100-модданинг 2-қисми 7-бандида “Ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёш-га доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган-да меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди”, дейилган. Бун-дан ташқари, МКнинг 101-мод-даси 1-қисмида жамоа кели-шуви ёки жамоа шартнома-сида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун ка-саба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакил-лиқ органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартнома-ни бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Аммо бу мезонлар бузилган. Бош врач касаба уюшма кўми-тасига ҳеч қандай ёзма муро-жаат киритмаган. Қолаверса, кўмита мажлисида (гўё шундай мажлис бўлиб ўтган) меҳнат шартномаси бекор қилинаёт-ган ходимлар тақлиф этилма-ган. Боз устига ишдан бўша-тилаётган ходимлар ишдан бўшатилишдан икки ой аввал (102-модда: “...иш берувчи меҳнат шартномасини бе-кор қилиш нияти ҳақида хо-димни камиди икки ой ол-дин ёзма равишда огоҳлан-тириш шарт”) огоҳлантирил-маган. Ва ниҳоят, ходимлар ишдан бўшатишга, уларга ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ (108-модда: “Меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчаси-ни ва меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бери-ши шарт”)дан кўчирма берил-маган. Мазкур буйруқ уларнинг

меҳнат дафтарчаларида акс эттирилиб, эгаларига қайта-рилмаган, уларга МКнинг 109-моддасига зид равишда иш-дан бўшатиш нафақаси тўлан-маган. Пенсия ёшига етишди-ми, тамом, хайрлашилган.

Афсуски, жуда кўпчилик иш берувчилар масалага мана шу нуқтаи назар билан ёндашиб, хатогоа йўл қўйишди.

Келинг, бу ҳолни оддий тил-да шарҳлашга уриниб кўрай-лик. Боринги, ёшга доир дав-лат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда меҳнат шарт-номасини иш берувчининг та-шаббуси билан бекор қилиш-ни чеклаш қандай ҳуқуқий ме-зонларга асосланади?

Аввало, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Меҳнат кодекси 100-моддасининг 2-қисми 7-банди айни шу масаладаги му-аммони ҳал этади. Яъни дав-лат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномасини иш берувчи та-шаббуси билан бекор қилини-шининг олдини олади. Қачон-ки иш берувчининг бундай та-шаббуси тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса.

Бундай ҳуқуқий мезон Ўзбе-кистон Республикаси Соғлиқ-ни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 11 июлдаги 248-сонли буй-руғининг 1-иловаси, 6-банди-да ҳам алоҳида назарда тутил-ган. Унда “Ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёш-га доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган-да меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда хо-димнинг ишга бўлган муно-сабати, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш кўрсаткич-лари, юқори малакаси, иш унумдорлиги ва самараси,

ёш кадрлар салоҳиятини оширишда устоз-шогирд анъаналарига эътибор бе-риш борасидаги олиб бора-ётган ишлари, соғлиғи, оилавий шароити (агар те-гишли ҳужжатлар билан тасдиқланса) каби кўрсат-кичлар бўлмаса, меҳнат шартномаси иш берувчи та-шаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодек-си талаблари асосида бекор қилинади”, деб ёзилган.

Афсуски, биз юқорида ми-сол тариқасида тўхталганимиз — Поп туманидаги Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли сил касалликлари санаторий-си бош врач А.Сайдинов ўзи-нинг қўли остидаги тўрт на-фар фтизиатр врачларни иш-дан озод этишда юқорида таъ-кидланган қонун нормаларига амал қилмаган.

Бу адолатсизликдан жабр кўрган шифокорлар тармоқ ка-саба уюшмаси вилоят Кенга-шига шикоят билан мурожаат қилишди. Мазкур ариза вило-ят касаба уюшмалари ташки-лотлари бирлашмаси юридик бўлимида ўрганиб чиқилди. Аниқланган қонунбузилишлар-ни бартараф этиш юзасидан Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят ке-наши томонидан санаторий бош врачга тақдиминома ки-ритилди. Бирок...

Бош шифокор билиб туриб қилган қилмишини билмасдан қилибман, дея қонун таъкиб-ида қўтилишга уриниб кўрди. Аммо қонун уни билиш-бил-маслигимизга қараб турмай-ди, тегишли жазони беради. Тақдиминомадан тегишли хуло-са чиқара олмаган бош врач А.Сайдиновнинг қилмишлари ҳам Фуқаролик ишлари бўйи-ча Чуст туманлараро судида кўриб чиқилди. Адолат қарор топди. Суднинг ҳал қилув қаро-рига биноан, мурожаатчилар-нинг барчаси бир ставка ҳаж-мида ўз ишларига тикланиш-ди. Шунингдек, мажбурий бе-кор юрган кунлари учун А.Рис-күлов фойдасига 826 206 сўм, Г.Рўзиметова фойдасига 3 миллион 883 минг 576 сўм ун-дирилди. Даъвогарларнинг барчасига юз минг сўмдан маънавий зарар тўлиниши ҳам белгилаб қўйилди. Санаторий-га етказилган 1 миллион 500 минг сўм моддий зарар эса санаторий бош врач А.Сай-динов томонидан қопланади-ган бўлди.

Мавлонбек ЗАРИПОВ,
Наманган вилоят касаба
уюшма ташкилотлари
бирлашмаси Кенгаши юридик
бўлими мутахассиси,
Сайдолим АБДУРАХМОНОВ,
«Adolat» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда “Куч-ли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида кенг қўламли демократик исло-хотлар ҳаётга изчил таъбиқ этилаётир. Айниқса, бу жараёнда аҳолининг турли қатламлари манфа-атларини ифода этадиган ННТлар кенг тармоғини ривожлантириш учун мустақам қонунчилик база-си шакллантирилди ва барча шарт-шaroитлар яра-тилди. Айни пайтда мамлакатимизда жамият ҳаёти-нинг турли соҳаларида 6 мингдан зиёд ННТ фао-лият кўрсатмоқда.

Саломатликни мустақамлаш йўлида

Туманимизда истиқомат қилаётган ногиронларнинг тиб-бий, ижтимоий реабилитация-си ва экспертизаси борасида қилинаётган ишлар сифати ҳамда савиясини янада оши-риш, самарадорлигини талаб даражасига кўтариш бораси-да муайян ишларни амалга оширмоқдамиз.

Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси фаолиятида ноги-ронлиқни аниқлаш ва эксперт хулосаси чиқаришда 088-У-шаклидаги йўлланма асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Уни расмийлаштириш, асосли-гини таъминлаш эса тиббий назорат комиссиясига юкла-тилган. Ана шу ҳужжат асоси-да ногирон ТМЭК кўригидан ўтказилади. Бирок кўп ҳоллар-да фуқаролар тўғридан-тўғри ТМЭКга келишиб, ўз муаммо-лари бўйича мурожаат қила-дилар.

Сурункали хасталикларга чалинган беморлар, юрак-қон-томир, жигар, буйрак, суяк, асаб касалликлари бўйича те-гишли мутахассис шифокор-лар назорати остида 2-3 йил давомида диспансер назора-тида туришлари лозим.


Бу касалликларнинг асорат-лари даволаниш натижасида

йўқолмаган ҳолатда, ногирон-лик белгилари аниқланмоқда ва ТМЭКга юборилмоқда. Бун-да ишлайдиган беморлар уз-луксиз 3 ой, узилмиш билан 4 ой касаллик варақасида бўлиш-лари лозим. Ишламайдиган беморлардан касаллик варақа-си талаб қилинмайди.

ТМЭК тиббий текширишга 16 ва ундан катта ёшдаги фу-қароларни, уларда паспорт, даволаш муассасасининг йўлланмаси, касаллик тарихи-дан кўчирма, меҳнат дафтар-часидан нусха бўлганда қабул қилади.

Биз бундан кейин ҳам но-гиронларни ижтимоий реби-литация қилиш, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш, но-гиронларнинг рационал ишга жойлашувларини яхшилаш мақсадида соғлиқни сақлаш, пенсия жамғармалари, банд-ликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорлик-да кенг қўламдаги фаолияти-мизни давом эттирамиз.

Аҳмаджон ҚАҲҲОРОВ,
Китоб туманлараро 36-сонли
ТМЭК аъзоси



Тоҳир САИДОВ:
“Адолат — бу тенг ҳуқуқлилик”

Таҳририят меҳмони

Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, истеъдодли актёр Тоҳир Саидовдир. Актёр билан санъатга кириб келиш тарихи, бугунги кино санъати аҳволи, томошабин маданияти каби мавзуларда суҳбатлашдик.



— Нима учун актёрлик касбини тандагансиз?

— Кечагидек эсимда, Хоразмига "Олтин девор" спектакли билан театр жамоаси гастроль сафарига келганди. Ўзим 5-синф ўқувчиси, укам 3-синфда ўқирди. Санъатга жуда қизиқардик, лекин қўлимиздаги пулга қарасак, иккаламизга етмас экан. Шунда мен укамга: "Мен кирай, сенга худди ўзидек қилиб гапириб бераман" десам, укам: "Йўқ, мен ҳам чиройли айтиб бераман!" деб қайсарлик қилиб бир-биримиз билан тортишиб турганимизда спектаклда Қилчйбек ролини ўйнаган Эркин Комилов бизни узоқдан кузатиб турган эканлар: Эркин ажа қасеир опахонга: "Мана шу болақайлар кириб кетсин", деб илтимос қилдилар. Шундан сўнг санъатга, санъаткорларга бўлган ҳурматим янада ошиб борди. Мактабларда қўйилганди интермедия, бадий чийқилларда фаол қатнашганимни кўрган янқиларим "сенда артистлик қобилияти бор, актёр бўл", дейишди. Мактабни тамомлагач, таваққал қилиб

Ташкентга келдим. Иштихон олиб турган домалардан бири стол устига қўйлабди соатни қўйиб, менга ўғри ролини ўйнаб, мана шу соатни ўғирлаб бер, деб топшириқ бердилар. Шунда мен домаларга кишлоқдан келганимни сабабли, ота-онасиз ўсаётганим учун менга ўғри ролини бериб камситмасликларини, менда ҳам гурур борлигини гапирган хонадан чиқиб кетдим. Табиийки, иштихон олувчилар хайрон бўлиб қолишди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас мен хона эшигини тақиллатиб, "домла, узр, соатингизни қайтариб бермоқчийдим" деганимда, ҳаммалари аядақ қўпроқ тааж-жўбланишди. Чунки мен ўқоридаги гапларни гапирар-ётганимда секингина, ҳеч қимга билдирмай соатни олиб қўйгандим, яъни талаб қилинган ролни ўйнаб бергандим. Натижада мени ўқишга қабул қилишганди.

— Кинодаги ролларингиз бир-бирига ўхшамайди, лекин қайсидир жиҳатлари билан бир-бирига яқин, кўпинча қуёнчақ, жаззакироқ инсон образини («Чаван-

доз", "Ичкуёв", "Мажруҳ") талқин қиласиз. Ўзи ҳаётда қанақа инсонсиз? Театрдаги ролларингиз ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳаётдаям шу ролларим-
дагига ўхшаш ҳақиқатпараст,
дангалчи, кўп нарсаларга бе-
фарқ бўлмаган инсонман. Ре-
жиссёрлар ҳам инсон руҳи-
тини яхши ҳис қила оладилар.
Шу сабабли мени шундай ролла-
рга таклиф қилишса керак.
Лекин театрдаги ролларим
бир-бирига унчалик ўхшаш дея-
олмайман. Нокамтарликка
йўйман-гу, лекин мен театрда
кўпчиликнинг орзусидаги роли
— Шекспирнинг Гамлетини
ижро қилганимдан жуда ҳам
фахрланаман. Бундай бахтга
ҳамма актёрлар ҳам эришавер-
майди. Аммо бу дегани мен
бундан мағрурланиб, ўз устим-
да ишлайми, бир маромда
қолиб кетаман, демоқчимас-
ман. Бу каби машҳур роллар
биз — актёрларга янада қўпроқ
масъулият юклаб, ўзимизга
нисбатан талабчанликни оши-
ришга ундайди.

— Бугунги кунда кинотеатрларда намоён қилинаётган тижорат фильмлари ҳақида “бир


марта кўришга ярайди, савияси талабга жавоб бермайдиган, деган мулоҳаза учраб турибди. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай? Келажақда режиссёр бўлиш ниятингиз борми?

— Фильмлар савияси, унинг баъдий қиммати ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен биринчидан, халқимизда ҳар ҳолда кўп махсулот ичидан танлаш имконияти борлигидан қувонаман. Иккинчидан, нима бўлганда ҳам инсонлар киноларимиздан ниманидир ўғаниб, бирон-бир эзгу гоа ҳақида билиб чиқишмоқда. Шу билан бирга, халқимиз кенг кўламли, яъни маъно-мазмун, гоа, композиция, манзарали кўриниш, характерларга бой сифатли киноларга чанқоқлигидан, яъни кино санъатидаги яхши ёки ёмон махсулотнинг фарқига бораётганлигидан ана шу соҳа вакилларидадан бири сифатида хурсанд бўламан. Масалан биз, ёшлигимизда томошабин сифатида йилга 3-4 та ўзбек фильми ва асосан ҳинд кинофильмларини кўрадик, холос. Ҳозир эса замон буткул бошқача. Бугунги ёшларга ҳавасим келадди.

Энди саволингизнинг кейинги қисмига тўхталадиган бўлсам, чумчуқ сўйса ҳам қасб сўйсин, деган мақолга амал қиламан ва мен режиссёр бўлиш ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаганим. Ҳаётда ҳар қим ўзи билганини қилиши ҳарак. Актёр актёрлигини, режиссёр режиссёрлигини қилин. Ана шундигина томошабинлар кўрган ҳар бир санъат асаридан қониқиш ҳосил қиладилар.

— Сиз учун адолат нима?
— Мен учун адолат — бу тенг ҳуқуқлилик. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқимизга, айниқса, истеъдодли ёшларга яратилаётган шарт-шароит, имкониятлар ҳам қайсидадир маънода адолат таъминдидир. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт даражаси аҳолининг бахти, моддий ва маънавий аҳоли билан белгиланади.

Саодат СОДИҚОВА
суҳбатлашди



Аҳоли ижтимоий ҳимоясида — солиқ имтиёзлари

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ўсишини таъминлаш, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз томонидан фуқароларга солиқ соҳасида кенг имтиёзлар белгилангани ҳам фикримизнинг ақол исботидир.

Фуқаролар — жисмоний шахсонлар. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда мол-мулк ва ер соғи-и тўловчиларидир. Кодексадa ўшбу солиқлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши-ни таъминлаган ҳолда Ўзбекистон Қўрамои, Меҳнат Қўрамои-ни унвонлари сазовор бўлган, у-чалa даражадаги "Шуҳрат" ор-дени билан тақдирланган фуқ-ароларнинг, 1941-1945 йилларда-и уруш ногиронлари ва қатнаш-чилари ҳамда доираси қонун ҳу-қуқатлари билан белгиланувчи-ларга тенглаштирилган шахс-ларнинг, ун нафар ва ундан орти-қ оилалари бор аёлларнинг, Чер-нобыль АЭСдаги авария оқибат-ларини туғатишда иштирок этган-лар учун имтиёзлар оладиган фу-қароларнинг, қонун ҳужжатлари-да белгиланган солиқ солинмай-диган майдон ўлчами доирасида пенсияерларнинг, I ва II гуруҳ-ногиронларнинг мўлкида бўлган мол-мулкка жисмоний шахслар-нинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинмайди. Мазкур им-тиёзлар мўлқдорнинг танлашига бинао фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади. Ўшбу имтиёзлар жисмоний шахс-лар томонидан тадбиркорлик фа-олияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки якка тар-тибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объекта-рига нисбатан қўлланилмайди.

Ер солигиндан яйлов қорвачи-лигининг қўпчилари, йилбўқар-лари, механизаторлари, ветери-нария врачлари ва техниклари бошқа мўтахассислари ва ишчи-лари, Ўзбекистон Қўрамои-ни ун-вонига сазовор бўлган, учалa даражадаги "Шуҳрат" ордени билан тақдирланган фуқаролар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногирон-лари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгилана-диган доирадаги уларга тенглаш-тирилган шахслар, I ва II гуруҳ-ногиронлари, ёлғиз пенсияерлар, бокучисини йўқотган қўп-болали оилалар, Чернобыль АЭС-даги авария оқибатларини туға-тишда иштирок этганлик учун им-

тиёзлар оладиган фуқаролар, шахсий пенсия тайинланган шахслар, кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача озод қилинган.

Эр солигчи буйича белгиланган имтиёзлар, (бундан бокувчисийн йүхтотган күп болали онлар мустанон), якка тартибдаги үй-жой курилши, дөхдөн хужа-лиги юригши учун берилган эр уастакларига булган хукукларини давлат руйхатчинд утказишнин амалга оштурувчи органд руйхатдан утган хисмоний шахсларга берилди. Бунда мазкур имтиёзлар солик тўловчининг танлаши буйича факат битта эр уастак-сига берилиши мумкин.

Шайхонтохур туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ушбу солиқ имтиёзларини аҳолининг кенг қатламларига етказиш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижаларига мувофиқ ҳозирги вақтда, кўрсатиб ўтилган имтиёزلардан, мол-мулк солиғи бўйича 4311 та 1- ва 2-гурҳу ногиронлари, 11662 та ёшга доир нафақаҳўрлар, 134 та 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, 50 та Чернобиль авариясида иштирок этганлар фойдаланиб келмоқда.

А.УСМОНОВ,
Шайхонтохур туман ДСИ
бўлим бошлиғи

Янги музей

Германияда дунёда биринчи марта хотин-қизлар тарихига оид музей очилди.




Бонн шаҳрида ташкил этилган мазкур янги музей "Хотин-қизлар тарихи уйи" номини олди. У дунё аёлларининг жамиятда қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ушбу музейда узоқ ўтмишдан ҳозирги даврга қадар хотин-қизларнинг жамият ва давлат қурилишида тутган ўрни рағбат-баранг экспозицияларда акс эттирилган.

Альберт

Эйнштейннинг хати сотилди

Германиялик машҳур физик Альберт Эйнштейннинг диний мавзуга оид хати АҚШнинг "eBay" кимошди савдосида 3,1 миллион АҚШ долларига сотилди.



“eBay” вакилларининг айтишича, 1954 йил 3 январда ёзилган мажмур мактуб АҚШнинг Принстон университетидида ишлаган немис файласуфи Эрик Гуткинда жунатилган. Эйнштейннинг ўлиmidан бир йил аввал ёзилган, ўтган асрнинг энг шов-шувли ҳужжати бўлмиш ушбу хат олимнинг шахсий коллекциясида эзлик йил сакланган.

Минг дардга даво

Янги зеландиялик олимларнинг сўзлари-га кўра, асал, гулчанги, асалари захри ёрдамида қон томирларнинг кенгайиши, псориаз, артроз ва остеохондроз каби турли хил касалликларни даволаш мумкин экан.



Уларнинг айтишича, асал таркибидаги организм учун жуда зарур бўлган темир, йод, цинк, кобальт, марганец, фтор каби ўттизга яқин микроэлементлар уйқусизлик, ошқозон-ичак хасталиклари ва шамоллашни ҳам табиий йўл билан даволаш, жигарни тозалаш имконини беради.

Маълумотларга қараганда, микроэлементлар таркибига кўра асалнинг ўттиз фоизли эритмаси инсон қонидан тайёрланган плазма ўрнини ҳам боса олади. Бойси қон билан асалнинг кимёвий таркиби деярли бир хил. Шунинг учун ҳам асал парҳез таом ва шифобахшилик борасида тенгсиз хисобланади.

ADOLAT
иҷтимоӣ-сиёсӣ
газета



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсӣ Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмаил САЙФИДЖОНОВ, Соҳиб ТУРСУНОВ,
Зухра БОТИРОВА, Светлана ОФИКОВА, Иқбол
МИРЗО, Мамазоир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қолдир ЖҶРАЕВ,
Муҳаммад АЛИ, Мукарамаҳон АЗИМОВА, Рашпан
ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Тахрирӣ мақоли: 100043,
Тошкент шаҳри,
Ҷинзорот тумани
«Шарқ, тоғон» кўчаси, 23-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

**Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.**

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—1100. Ҳажми — 4 босма табоқ,
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 5861.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 22.30

НАШР
КУРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5237




9 772091 521009

**Тадбиркорлик, бунёдкорлик
ва тараққиёт хизматида!**

МИКРОКРЕДИТБАНК

**СИЗНИНГ МАБЛАҒИНГИЗ “МИКРОКРЕДИТБАНК”
ОМОНАТЛАРИДА СОНИЯЛАР САЙИН КЎПАЯДИ!**



“ИШБИЛАРМОН” омонати

Мурожаат учун телефонлар: (99871) 273-05-80, 273-05-87.

Хизматлар лицензияланган.